

Ғариблар кимлар, эй Аллоҳнинг Расули?



11:00 / 01.07.2022 7793

Доимо ҳақ йўлда бўлинг, бу йўлда юргувчиларнинг озлиги сизни ташвишлантормасин. Ботил йўлдан сақланинг, у йўлда ҳалок бўлгувчиларнинг кўплиги сизни алдаб қўймасин.

Ибн Қоййим роҳимаҳуллоҳ

Иброҳим ат-Таймий роҳимаҳуллоҳдан ривоят қилинади:

«Бир киши Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу ҳузурда (Эй Аллоҳ! мени озчилик бўлган бандаларингдан қилгин) деб дуо қилди. Ҳазрати Умар у кишидан: «Бу қилаётганинг қандай дуо», – деб сўрадилар.

У киши: «Аллоҳ таоло Қуръони Каримда **«Бандаларимдан озчилиги шукр қилгувчилардир»** (Сабаъ сураси, 13-оят) деб марҳамат қилганини биламан. Мен эса ана ўша озчиликдан бўлайин деб дуо қиляпман», – деб жавоб берди. Шунда ҳазрати Умар: (бошқа ривоятда йиғладилар ва) «Эй Умар, кўп одамлар сендан кўра билгувчироқдир», – дедилар.

Ибн Абу Шайба, Ал-Мусаннаф.

Баъзи одамларга бирор гуноҳни тарк қилишлари учун насиҳат қилинса, кўпинча улар «Буни қилаётган битта мен эмас-ку, **«Одамларнинг кўпи»** шундай қилади-ку», деб жавоб берадилар. Ҳолбуки, Қуръони каримдан (**одамларнинг кўпи**) сўзларини қидирсак, бу сўзларни **билмайдилар, шукр қилмайдилар, иймон келтирмайдилар** деган сифатлар билан бирга келтирилганини кўрамиз. Ёки **уларнинг кўпи** сўзларини қидирсангиз, **фосиқлардир, жоҳиллардир, юз ўгирувчилардир, ақл юритмайдиганлардир, эшитмайдиганлардир** каби сифатлари билан бирга топамиз. Тўғри, одатда “кўпчилик” сўзи одамлар жамоасига нисбатан ишлатилганда киши зеҳнига “ғолиблик”, “тўғри тараф” каби маънолар келади. Буни Аллоҳ таолонинг **«Оз бўлган пайтингизда сизни кўпайтириб қўйганини эсланглар»** (*Аъроф сураси, 86-оят*) оятида ҳам кўришимиз мумкин. Лекин баъзида бу сўзнинг зидди бўлган “озчилик” ҳам Аллоҳ таолонинг сўзлари эътибори билан “иззат”, “ғолиблик”, “нажот” каби маъноларни ҳам билдириши мумкин: **«Қанчадан-қанча оз сонли гуруҳлар Аллоҳнинг изни билан кўп сонли гуруҳлардан ғолиб келган...»** (*Бақара сураси, 249-оят*), **«Бандаларимдан озчилиги шукр қилгувчилардир»** (*Сабаъ сураси, 13-оят*), **«У(Нух) билан бирга иймон келтирганлар жуда озчилик эди»** (*Ҳуд сураси, 40-оят*), **«(Пешқадамлар) аввалгилардан кўпчилик, кейингилардан озчиликдир»** (*Воқеа сураси, 13-14 оятлар*), **«Албатта, кўп шериклар бир-бирларига зулм қилурлар, магар иймон келтириб, солиҳ амал қилганларгина** (бундай қилмаслар). **Улар жуда ҳам оздирлар»** (*Сод сураси, 24-оят*), **«Магар биз нажот берган кишилар жуда оз бўлди»** (*Ҳуд сураси, 116-оят*).

Ояти карималардан кўриниб турибдики, Аллоҳ азиз қилган бўлса, озчилик ҳам улкан куч-қувватдир. Озчилик ҳақ йўлда собит тураркан, ботил аҳлининг кўплиги асло кўрқинч эмас, асло мағлубият эмас. Кўпчилик нажот топишнинг мезони ҳам эмас.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам озчилик бўлса-да, ҳақ устида собит турган кишиларни мадҳ этганлар: **“Албатта, Ислом ғариб ҳолда бошланган ва бошлангани каби ғариб ҳолга қайтади. Бас, ғарибларга Тубо** (Тубо саодат, хурсандчилик, охири жаннат бўлган неъматдир) **бўлсин.**

Муслим ривояти.

Бу ҳадиснинг Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳу ривоят қилган лафзда **“Ғариблар кимлар, эй Аллоҳнинг Расули?”**, – дейилди.

У зот: **“Одамларнинг кўпчилиги бузилиб кетганда, солиҳ бўлиб қолганларидир”**, – дедилар.

(Имом Аҳмад. Муснад. 6650; Табароний. Ал-Авсат. 2/222).

Бундан ташқари Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган бошқа бир ҳадиси шарифда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Албатта, Аллоҳ умматимни залолатда бирлаштирмайди...”**, – дедилар.

Термизий ва Ҳоким ривояти.

Бу ҳадиси шарифдан кўзланган “бирлашув” Аллоҳ таолонинг уммат олимларининг барчасини ботил ишда жамланишидан сақлашини билдиради.

Имом Термизий роҳимаҳуллоҳ “Сунан”ларида бу ҳадисдаги “бирлашув” ҳақида: “Улар фикҳ ва ҳадис аҳлларининг бирлашувидир.”, – деганлар.

Мулло Алий Қорий роҳимаҳуллоҳ: “Бу ҳадис мусулмонлар жамоатининг ҳақлиги, бундан кўзланган мақсад авомнинг бирлашуви эмас, уламоларнинг бирлашуви эканлигига далолат қилади”, – деганлар.

Мирқотул мафотийҳ. 2/61.

Яъни, бутун инсониятнинг **озчилигини** ташкил қиладиган **мусулмон уламолари** ботил ишларда жам бўлмайдилар. Улар озчилик бўлсалар-да ҳақ устида турарлар. Авом ва жоҳиллар кўп бўла туриб, ботил узра бирлашуви бу ҳадиснинг зиддига далил бўла олмайди.

Савбон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадис ҳам бу маънони қўллаб-қувватлайди:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Умматимдан бир тоифа Аллоҳнинг амри келгунига қадар ҳақ устида очиқ бардавом бўлурлар. Уларга муҳолиф бўлганлар зарар етказа олмас”**, – дедилар.

Муслим ривояти.

Демак, умматнинг бир тоифаси озчилик бўлсалар-да, Аллоҳнинг амри келгунича ҳақ устида собит турадилар. Уларга бу йўлда мусибатлар, қийинчиликлар, ҳар хил балолар келиши мумкин. Лекин улар бу синовлардан ўта оладилар. Улар бу йўлда заифлашишлари, ҳатто йиқилишлари мумкин, лекин йиқилиб қолмайдилар. Улар эгилиб, букилишлари мумкин, лекин синмайдилар. Аллоҳнинг инояти ила ўз йўлларида собит турадилар. Уларга мухолиф бўлганларнинг қаршиликлари уларни асло бу йўлдан чалғита олмайди.

Шундай экан, атрофингиздаги кўпчиликнинг ҳолати сизни чалғитмасин. Ҳақ аниқ. Ботил ҳам аниқ. Унинг мезони эса Аллоҳ таолонинг Китоби ҳамда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларидир. Унга кўра, кўпчилик ҳар доим ҳам ҳақ дегани эмас. Озчилик эса доим ҳам ноҳақликни англатмайди. Ҳақ унинг устида бир киши бўлса ҳам ҳақдир. Ботил унинг устида кўпчилик бўлса ҳам ботилдир. **«Зеро, ҳақ ботилдан ажради»** (Бақара сураси, 256-оят), **«Албатта, ботил йўқ бўлгувчидир»** (Исро сураси, 81-оят).

Сиз иймон ва ҳақ узра бўлинг. **«Аллоҳ иймон келтирганларни бу дунё ҳаётида ҳам, охиратда ҳам устувор Сўз (иймон) билан собитқадам қилур»** (Иброҳим сураси, 27-оят). **«Модомики, ҳидоят узра экансиз, адашганларнинг сизга зарари етмас»** (Моида сураси, 105-оят), **«Бўшашманглар, хафа ҳам бўлманглар, мўмин экансиз, Сизлар устунсизлар»** (Оли Имрон сураси, 139-оят).

Қаламлар кўтарилган, саҳифалар қуриган.

Термизий ривояти.

Абдурроуф Абдуррошийд